

Ингушетияда козок сармоядорлари аквапарк куришмокчи. Аёллар учун алохида, эркаклар учун алохида бўлим ташкил килиниши мўължалланмокда. Аквапарк тарихий Аби-Гув тепалиги худудида жойлашиб, дам олиш ва хордик чикариш марказига айланиши кўзда тутилмокда.  Аквапарк куриш гояси икки йил олдин пайдо бўлган эди. Ўшанда Евкуров Сунжен тумани маъмурияти билан сув аттракционлари учун кулай жой излаб юришган эди.

Натижада Аби-Гув тепалигида куриш хакида карор кабул килишди. Бахорга келиб болалар аттракциони комплексини ишга тушириш кўзда тутилган. Янги лойиха курилиши режа килинаётган савдо мажмуасига якин бўлиб, курилиши бошланган спорт саройидан узокрокда жойлашган бўлади.